



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**  
**БУЙРУҒИ**

2021 йил “1” март

№ 109

Тошкент ш.

**Ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартини тасдиқлаш**  
**тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3290-сон, “Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ва Давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375-сон, “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 декабрдаги ПҚ-4910-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандарти 1-иловага, ўрта махсус таълим йўналишлари бўйича малака талаблари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандарти 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб амалиётга жорий этилиши белгилаб қўйилсин.

3. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари У.Бегимкулов зиммасига юклатилсин.

Вазир



А.Тошқулов